

---

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ**  
**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ**  
**JOURNAL OF SOCIAL STUDIES**

---

**Отмуратов Сарвар Садуллаевич,**  
"Ўзагросугурта" акциядорлик жамияти Бошқаруви раиси  
e-mail: o.sarvar@mail.ru

**"УЮШМАГАН" ВА "ФАОЛ" ЁШЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2019-6-1>

---

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада уюшмаган, пассив ва фаол ёшлар тушунчалари таҳлил қилинган. Мавжуд илмий тушунчалар социологик нуқтаи назардан берилиб, улар ўзаро қиёсий таққосланган. Уюшмаган ёшлар ҳисобидан фаол ёшларнинг сонини ўсиш омиллари ҳамда пассив ёшларнинг салбий тарафлари юзасидан фикр юритилган. Бозор иқтисодиёти жамиятда тараққиёт ва фаровонликнинг асосий омили бўлиши билан бирга у ёшлар ҳаётида ўзига хос, бир қатор муаммоларни ҳам юзага келтириши таҳлил қилинган.

Аждодларимиздан мерос бўлиб келган меҳнатни улуғлаш қадриятлари бозор муносабатлари шаклланишида ёшларимиз онги ва ҳаёт кечириш жараёнига янги мазмун билан кириб келиши таъкидланган. Давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида уюшмаган ва пассив ёшларни бунёдкорлик ишларга жалб қилиш механизмлари очиб берилган.

Шунингдек, мақолада аждодларимиздан мерос бўлиб келган меҳнатни улуғлаш қадриятлари бозор муносабатлари шаклланишида ёшларимиз онги ва ҳаёт кечириш жараёнига янги мазмун билан кириб келиши исботланган.

**Таянч сўзлар:** уюшмаган ёшлар, пассив ёшлар, фаол ёшлар, бозор иқтисодиёти, моддий бойликлар, тарбия, онг, таълим тизими, фаоллик, интеллектуал салоҳият.

---

**Отмуратов Сарвар Садуллаевич,**  
Председатель Правления АО "Ўзагросугурта"  
e-mail: o.sarvar@mail.ru

**РОЛЬ "НЕОРГАНИЗОВАННОЙ" И "АКТИВНОЙ" МОЛОДЕЖИ В ЖИЗНИ ОБЩЕСТВА**

**АННОТАЦИЯ**

В этой статье анализируются понятия неорганизованной, пассивной и активной молодежи. Существующие научные концепции представлены с социологической точки зрения, они сопоставимы между собой. За счет неорганизованной молодежи высказано мнение о факторах роста числа активной молодежи и негативных сторонах пассивной молодежи. Было проанализировано, что рыночная экономика является основным фактором развития и процветания в обществе, но она также представляет собой ряд специфических проблем в жизни молодежи.

Отмечалось, что ценности прославления труда, унаследованные от наших предков, в

формировании рыночных отношений с новым содержанием проникают в сознание и жизненный процесс нашей молодежи. Совместно с государственными органами и негосударственными организациями раскрыты механизмы привлечения неорганизованной и пассивной молодежи к созидательной работе.

Также в статье доказано, что ценности прославления труда, унаследованные от наших предков, войдут в процесс формирования рыночных отношений с новым содержанием в сознании и жизни нашей молодежи.

**Ключевые слова:** неорганизованная молодёжь, пассивная молодёжь, активная молодёжь, рыночная экономика, материальные богатства, воспитание, сознание, система образования, активность, интеллектуальный потенциал.

**Otamuratov Sarvar Sadullaevich,**  
Chairman of the Board JC "Uzagrosugurta"  
e-mail: o.sarvar@mail.ru

## THE CONCEPT OF UNORGANIZED, PASSIVE AND ACTIVE YOUTH, AND THEIR ROLE IN SOCIETY

### ANNOTATION

This article analyzes the concepts of unorganized, passive and active youth. Existing scientific concepts are presented from a sociological point of view, they are comparable with each other. At the expense of unorganized youth the opinion on factors of growth of number of active youth and negative sides of passive youth is expressed. It was analyzed that the market economy is the main factor of development and prosperity in society, but it also represents a number of specific problems in the life of young people.

It was noted that the values of glorification of work inherited from our ancestors in the formation of market relations with a new content penetrate into the consciousness and life process of our youth. Together with state bodies and non-governmental organizations, the mechanisms of attracting unorganized and passive youth to creative work are revealed.

Also in the article it is proved that the values of glorification of work inherited from our ancestors will enter the process of formation of market relations with a new content in the minds and lives of our youth.

**Keywords:** unorganized youth, passive youth, active youth, market economy, material wealth, education, consciousness, education system, activity, intellectual potential.

Ёшларнинг жамиятда тутган ўрни, ёши, касб-кори, жинси, яшаш ҳудудлари, иқтисодий шароитлари ва бошқа бир қатор қирралари бўйича гуруҳларга ажратиш ҳамда ҳар бирларининг ўзига хос хусусиятларини турли фанлар йўналишларида ўрганиш давом этиб келмоқда. Бу жараён бугун ва истиқболда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Чунки, уларнинг ҳозирги авлодида мавжуд бўлган хусусиятлар, кейинги авлодларида такомиллашиб боради, янги қирралари пайдо бўлади.

Шу боис давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бугунги Ўзбекистон ёшларига катта эътибор қаратмоқда, уларга ишонмоқда ва умид билдирмоқда: "Юртимиз ёшлари ўртасида илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият, адабиёт ва санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳаларида, умуман, барча жабҳаларда жонбозлик кўрсатиб келаётган азамат йигитларимиз кўп. Улар ўзининг жисмоний ва маънавий салоҳият, истеъдод ва маҳоратини намоён этиши учун зарур шароитларни яратиш бериш борасида мамлакатимизда кўп ишлар қилиняпти ва келгусида ҳам уларни албатта давом эттирамиз" [1].

Айни пайтда ёшларнинг жадал ўзгараётган замонга мос равишда ўзгаришини ҳам талаб этади. Албатта, ёшларнинг юқорида келтирилган ўзига хос

хусусиятларини комплекс ўрганиш ва таҳлил қилиш мураккаб масаладир. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, бу ерда уларнинг ижтимоий, моддий бойликларни яратиш ва уларни истеъмол қилишда кечадиган жараёнлардаги фаоллик нуқтаи назаридан ўрганишига асосий эътиборни қаратишга ҳаракат қиламиз. Уларни бу жиҳатдан қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) уюшмаган ёшлар;
- 2) пассив ёшлар;
- 3) фаол ёшлар.

Уларнинг ҳар бирига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритишдан олдин, бу тушунчалар қандай маънони англатишини кўриб чиқишимиз лозим. Шундай қилиб, биринчи гуруҳ - уюшмаган ёшлар деганда кимлар назарда тутилади - деган саволга жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

"Уюшмаган" ёшлар тушунчасига бир қатор илмий адабиётларда таърифлар берилган. Ўзбекистонда 2017 йилнинг 9-10 август кунлари "Ёшлар келажак бунёдкори" шиори остида уюшмаган ёшлар билан олиб борилаётган ишларда натижадорликка эришишнинг илмий-амалий масалаларига бағишланган республика конференцияси" бўлиб ўтди. Унда бир қатор олимлар, вазирликлар ва ташкилотларнинг вакиллари ўзларининг маърузалари билан қатнашдилар. Маърузаларда "уюшмаган" ёшлар тушунчасига илмий таърифлар ҳам берилди. Жумладан, профессор М.Бекмуродов бу тушунчага қуйидагича таъриф берди: "...уюшмаган ёшлар тушунчаси бирор бир жойда расман фаолият юритмайдиган, таълим олиш билан шуғулланмаётган, муайян ҳунар ва касб-кор билан мунтазам банд бўлмаган, давлат ва жамият томонидан амалга оширилаётган ислохотларни қўлламайдиган, ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларда лоқайд ва бефарқ бўлган ёшларни ифода этади" [2, б. 3]. Тадқиқотчи Э.Қодировнинг фикрича "уюшмаган ёшлар тушунчаси, илмий тилда айтганда, ўз мақсадини индивидуал тарзда давлат ва жамиятда яратилган имкониятлардан фойдаланмасдан, примитив, нофаол тарзда самарасиз амалга ошираётган ёшлар гуруҳига айтилади"[2, б.9]. Бошқа бир тадқиқотчи Н.Чиниқуловнинг фикрича эса, "...уюшмаган ёшлар жамият ҳаётининг тарқоқ вакиллари бўлиб, ижтимоий ҳаётда иштироки суст, индивидуал турмуш тарзини кечирувчи вакиллари ҳисобланади" [2, б. 43]. Мазкур конференцияда иштирок этган бир қатор олимлар, ёш тадқиқотчилар ва давлат идоралари ходимлари томонидан ҳам турли таърифлар берилган. Уларга эътирозимиз йўқ. Чунки, бу тушунча на рус ва на ўзбек тилида чоп этилган луғатларда учрамайди. Собиқ шўролар ҳукмронликлари даврида эса бундай катта ҳажмдаги уюшмаган ёшларнинг ўзи бўлмаган. Шу боисдан ҳам бу гуруҳ ҳақида илмий таърифлар ишлаб чиқилмаган. Бу даврда ижтимоий-фойдали фаолиятда қатнашмаган инсонлар (шу жумладан, ёшлар) ҳатто жавобгарликка тортилган. Ёшларнинг хоҳиш-иродаси, эркинлиги, интилишлари давлат ташкилотлари томонидан қаттиқ назорат қилинган. Улар онги ва қалбига 80-йиллардаги (яъни, XX асрнинг 80 йиллари) ёшлар қобилиятига яраша меҳнат қиладилар ва эҳтиёжларига яраша моддий бойликлардан баҳраманд бўладилар - деган ғайриилмий ғояларни сингдирганлар. Улар меҳнати ўзлари учун эмас, балки давлат учун кераклиги ғояси орқали ўзлигидан бегоналашган ёшларни тарбиялаш давлат сиёсати даражасида амалга оширилган. Бундай амалиёт ёшларда доимо "юқорининг" кўрсатмалари асосида фаолият олиб бориш руҳиятини шаклланишига олиб келган эди.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин бозор муносабатларига асосланган жамият қуриш тараққиётимизнинг стратегик вазифаси сифатида белгиланди ва уни амалга оширишга киришилди. Албатта, бозорнинг иқтисодиётининг ўзига хос ривожланиш қонун-қоидалари мавжуд, у ҳеч қачон силлиқ ривожланмаган. Унинг қонуниятларидан бири - ҳеч кимга шафқат қилмаслигида намоён бўлади. Унга мувофиқ "ишламаган тишламайди" - деган асрлар давомида халқимиз ўртасида амал қилиб келган қоидалар бозор муносабатлари шароитида янгидан ҳаётимизнинг кундалик фаолиятига айлантирилди. Бозорнинг ҳеч кимга "шафқат қилмаслик" тамойили: а) ёшларимизда ўзларининг бугуни ва истиқболи уларнинг ўзларига боғлиқ эканлиги руҳиятининг шаклланишига; б) манфаатлари учун ўзларининг ички имкониятларини юзага чиқаришга; в) уларда кимнингдир ёки "юқорининг" кўрсатмаларини кутиб фаолият юритишга эмас, балки ўз хоҳиши билан меҳнат қилиш ва унинг роҳатини ҳис этиш каби руҳиятининг шаклланишига ижобий таъсир ўтказди. Аждодларимиздан мерос бўлиб келган меҳнатни улуғлаш қадриятлари бозор муносабатлари шаклланишида ёшларимиз онги ва ҳаёт кечириш жараёнига янги мазмун билан кириб келди - дейишимиз мумкин.

Аслида, меҳнатни улуғлаш бугун буюк меросимиз бўлган Зардуштийликнинг муқаддас китоби "Авесто"да илгари сурилган ғоялар асосида ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди. Унда шундай таъкидланган: "Олам ободлиги учун ғайрат кўрсатмоқ лозим, уни яхшилик билан асрамоқ ва ёруғлик сари элтмоқ керак" [3].

Меҳнат нафақат фаровонлик, шунинг билан бирга эркин, озод ва ҳеч кимга қарам бўлмасдан мустақил ҳаёт кечиришнинг манбаси - деган ғоялари бозор муносабатлари шароитида ёшларимизнинг ҳаётидан ўрин олди - десак хато бўлмайди. Зеро, бугун меҳнат қилиш аксарият кўпчилик ёшларимизда чинакам фаровон, эркин, бировнинг "қош-қовоғига" қарамасдан ҳаёт кечириш тамойилига айланди. Улар ҳаётидаги бу ўзгаришлар бозор муносабатлари ўтиш жараёнида шаклланди.

Албатта, бозор иқтисодиёти жамиятда тараққиёт ва фаровонликнинг асосий омили бўлиши билан бирга у ёшлар ҳаётида ўзига хос, бир қатор муаммоларни ҳам юзага келтиради. Улар:

биринчидан, ишлаб чиқариш бўладими, тадбиркорликми ёки турли бошқа соҳаларда рақобатни юзага келтиради. Бундай шароитда ҳам бозорнинг қонун-қоидаларини охиригача тушуниб етмаган ёки уни тушунишга ҳаракат қилмайдиган ёшларнинг рақобатга бардош бера олмаслиги боис ишсиз бўлиб қолишига ва моддий жиҳатдан қийналиб қолишига;

иккинчидан, маълум касб-ҳунарга эга бўлмаган ёки уни эгаллашга мойил бўлмаган ёшларнинг ҳам ҳаётда ўз ўринларини топишларини қийинлаштиради;

учинчидан, бозор муносабатлари шаклланиши жараёнида азалдан амал қилиб келаётган ишлаб чиқариш тизимининг янги шароитга жавоб бера олмаганлиги боис янгидан пайдо бўладиган ишлаб чиқариш тизими (янги ишлаб чиқариш тузилмаси) шароитида амал қилиб келган тизимда фаолият олиб бораётган ёшларнинг янги шароитга жавоб бера олмаслиги боис, уларнинг иш ўринлардан маҳрум қилиб, жамиятда ёшлар ўртасида ишсизлар гуруҳларининг шаклланишига олиб келади;

тўртинчидан, бозор муносабатлари шароитида иш ўринларидан маҳрум бўлиб

қолган ёшлар гуруҳининг жамиятга нисбатан норозилик руҳиятининг вужудга келишига уларнинг онгида мамлакатда кечаётган жараёнларга нисбатан бепарволикни юзага келтиради;

бешинчидан, бозор муносабатлари моддий фаровонлик учун курашни кучайтириб юбориши оқибатида айрим ёшларнинг ҳамма нарсани моддий бойлик нуқтаи назардан баҳолаш руҳиятини ва бунинг оқибатида маънавиятга беэтиборлиги юзага келтиради ҳамда бу ўз навбатида уларнинг ўзлигидан бегоналашувига олиб келади.

Бозор муносабатлари шаклланишининг айрим ёшлар ҳаётида бир қатор юқорида келтирилган муаммолар билан бирга, аксарият кўпчилик ёшларда хусусан, иқтидорли, ташкилотчилик қобилияти кучли, тадбиркорликка мойил, ҳар доим янгиликка интилишни ўзларининг ҳаёт мазмунига айлантира оладиган ёшларнинг ўзларида мавжуд бўлган барча ички имкониятларини ишга солиб фаровон ҳаёт кечирishга эришишларига катта имкониятларни яратди, улар ўз ҳаётларини завқ, шавқ ва жўшқинлик билан ўтказишга мувофиқ бўладилар.

Бозор муносабатлари ёшлар ҳаётида ана шундай икки манзарани шакллантирадиган қадриятдир. Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиёти шароитида ёшлар ҳаётида ва умуман жамиятда муаммоларни юзага келтирар экан, унга ўтиш шартми, ундан кўра барча ҳуқуқ ва эркинликларни давлат зиммасига юклаб, унинг кўрсатадиган "марҳамати" билан яшаш тўғри бўлмасми - деган қарашларни ва муносабатлар илгари сураётган инсонлар гарчанд онда-сонда бўлсаям учраб турганлигини ҳам таъкидлаш жоиздир. Албатта, бозор қанчалик мураккаб бўлмасин, катта муаммоларни юзага келтирмасин, уни шакллантирмасдан туриб, тараққиётга эришиб бўлмаслигини кўпгина, шу жумладан собиқ шўролар тузуми бошидан кечирган аччиқ тажрибаларда тасдиқланди. Бозор - бу барча соҳаларда рақобат, у бор жойда ҳар инсон ўз ички имкониятларини эркин, ўз хоҳиши билан юзага чиқариши ва фаровон ҳаёт кечирishi йўлида жўшқинлик кайфиятида яшайди, ишлаб чиқаришда эса сифат ва самарадорлик юзага келади. Бозор иқтисодиётисиз, айниқса, инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари ошиб бораётган бугунги кунда ривожланишга эришиб бўлмаслигини тараққиётнинг амалиётида ўзининг исботини топмоқда. Шундай экан, унинг барча "инжиқликлари" ва юзага келтирадиган муаммоларидан қатъи назар унга ўтишимизни босиб ўтган тараққиёт йўлимизда ўз тасдиғини топмоқда.

Шундай экан, бозор иқтисодиётининг айрим ёшлар ўртасида юзага келтирган ишсизлик, бепарволик, ўзига нисбатан ишончсизлик, сабрсизлик, нафсни ҳеч бўлмаганда озроқ тийишга мойиллик каби иллатлардан қутулишнинг йўлларини излаш, уларни қизгин ҳаётга йўналтириш билан боғлиқ барча ташкилий ва амалий ишларни бажаришимизни тақозо қилади. Президент Ш.Мирзиёев тўғри таъкидлаганидек, "Биз "уюшмаган ёшлар, уюшмаган ёшлар", деб кўп гапирамиз. Лекин бу масалани ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан ҳал қилишга келганда, очиқ айтиш керак, кўпчилигимиз нима қилиш лозимлигини билмаймиз" [4].

"Уюшмаган ёшлар" тушунчасига юқорида бир қатор олимларимиз томонидан берилган таърифларга эътирозимиз йўқ. Улар ҳам ўзбек илмий адабиётларидан оммавий тарзда ўрин олмаган бу тушунчага ўзларининг таърифларини берганлар. Шунинг ўзи катта ютуқ дейишимиз мумкин, шу билан бирга уларни ҳам охириги аксиома шаклида қабул қилиниши керак эмас. Бу муаллифларнинг камчилиги

эмас, балки жамиятимизда ёшларнинг бу гуруҳини пайдо бўлишига сабаб бўлган омилларни, уларнинг жамият ҳаётида қандай "нафас" олишига ўтказадиган таъсирини охиригача тушуниб етмаганимиз билан боғлиқдир.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида жамият ҳаётининг барча соҳаларида содир бўладиган янги тузилмавий ўзгаришларга мослаша олмаётган ҳамда мамлакатнинг барча ёшларининг бандлигини таъминлаш имкониятининг чекланганлиги оқибатида пайдо бўлган, ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳасида фаолият олиб бормаётган, таълим тизимида ўқимаётган, доимий иш ўринларга эга бўлмаган ёки мавжуд бўлган ҳолатда улардан олинадиган даромадларга кўникишни хохламаётган жамият ҳаётидаан бегоналашаётган ёшларни "уюшмаган ёшлар" дейиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни изчиллик билан амалга ошириш "уюшмаган ёшлар"нинг жамият ҳаётида ўз ўринларини топиш имконини беради. Бу ҳақида кейинроқ фикр юритишга, ҳозир эса мавзуимиздаги "пассив" ёшлар тушунчаси ва унинг "уюшмаган ёшлар" билан муносабатларига аниқлик киритишга ҳаракат қиламиз.

"Пассив ёшлар" тушунчасига таъриф Ўзбекистонда чоп этилган луғатларда учрамайди, ҳатто улар социология, психология, педагогика ва ижтимоий фанлар доирасида ҳам тўлиқ ўрганилмаган. Назаримизда бунинг қуйидаги сабаблари бор: а) "пассивлик"нинг мезони (ўлчови) йўқлиги; б) уни қайси омилларга нисбатан қўллаш тўғри бўлади - деган саволларга аниқ жавоблар беришнинг мураккаблиги кабилардир.

Юқорида ёшларни моддий бойликларни яратишдаги иштироклари жамият ҳаётида кечадиган жараёнларга муносабатлари нуқтаи назардан ёшларни уч: "уюшмаган ёшлар", "пассив ёшлар" ва "фаол ёшлар" гуруҳларига ажратган эдик. Уюшмаган ёшларга берган таърифимизда уларнинг ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳасида иштирок этмаётган таълим тизимининг у ёки бу соҳасида ўқимаётган ва доимий иш ўринлари билан таъминланмаган ёшларни киритган эдик. Ана шу таърифимиздан келиб чиққан ҳолда "пассив ёшлар" гуруҳига ҳам ана шу мезонларни қўллаш мумкин. Аммо "пассив ёшлар"нинг "уюшмаган ёшлардан фарқи шундаки улар мамлакат ҳаётида мавжуд барча жараёнларда қатнашадилар, доимий иш ўринларига ҳам эга ёки таълимнинг у ёки бу йўналишида ва босқичларида таълим ҳам оладилар. Лекин, уларнинг аксарият кўпчилик қисми ана шу имкониятларга эга бўлган ҳолда, улардан самарали фойдаланиш ўрнига "мендан эгасига етгунча", "менга нима", "сиз ҳам, кабоб ҳам куймасин", "куним ўтса бўлди" каби қарашларни ўзларининг ҳаёт кечириш мезонига айлантирган ёшлардир. Улар бугун барча соҳаларда учраб турибди. Уларда бундай руҳиятнинг шаклланиши оиладаги тарбияда изчилликнинг йўқлиги, ёшларни моддий жиҳатдан таъминлаган ҳолда, уларга нисбатан енгил-елпи қарашларнинг мавжудлиги, айти пайтда ана шу салбий ҳолатлар оқибатида уларда ўзларига ишонмаслик, "бизга бўлаверади" тамойили асосида атроф-муҳитга нисбатан бепарволик кабиларни ҳаёт кечириш мазмунига айлантирадилар.

Хўш фаол ёшлар - деганда кимларни тушунишимиз керак?

"Фаоллик (араб. тез, шиддатли ҳаракат) - шахснинг ҳаётида маълум бир мақсад йўлидаги илгор ва интилувчан хатти-ҳаракатларни намоён этишини англатувчи тушунча"[5]. Албатта, бу таърифга қўшилган ҳолда, унга маълум бир қўшимчаларни киритишни ҳам талаб этади. Хусусан, "фаоллик" фақат "мақсад йўлидаги илгор

ва интилувчан хатти-ҳаракатлар" билан чекланмайди, балки у мақсаднинг ижобий ёки салбийлиги билан боғлиқдир. Агар мақсад ёвуз, инсониятга таҳдид солишга қаратилган бўлса, уни амалга оширишга қаратилган хатти-ҳаракатлардаги фаоллик ҳам салбийдир. Шу маънода фаолликни икки шаклда намоён бўлишини, яъни эзгулик ва тараққиётга, инсонлар манфаати йўлидаги фаоллик ва ёвузликка, шахсий манфаатлар ва инқирозга йўналтирилган фаолликка ажратиш тўғри бўлади.

Энди келтирилган фикрларимизга асосланиб, "фаол ёшлар" деганда, жамият ҳаётининг барча соҳаларида мавжуд имкониятлардан фойдаланишга салоҳиятини шакллантира олган, ўзининг аниқ мақсадларини кўзлаб, маълум бир соҳада ишлаш, ўқиш, касб-корга эга бўлган ҳолда, кундалик ҳаётида интилиши кучли бўлган, муваффақиятга эришишни ўзининг ҳаёт мазмунига айлантиришга ҳаракат қиладиган ёшларни тушуниш мумкин. Бундай ёшларни кимнингдир, уларни фаоллаштиришига эҳтиёжи бўлмайди, фақат аниқ мақсадларга ишонтирилиб ва йўналтирилиб турилса, шунинг ўзи кифоя қилади. Улар нафақат ўзи шунинг билан бирга атрофдагиларни ҳам фаоллаштириш қобилиятига ҳам эга бўладилар. Албатта, улар ҳаёти ҳам ҳар доим силлиқ кетавермайди, балки айримларнинг баъзан тўсиқларга тўғри келишлари ҳолатлари ҳам содир бўлади. Аммо, бундай ёшлар уларни енгиб ўтишга, ўз мақсадларини амалга оширишда ҳеч иккиланмасдан ҳаракат қиладилар. Шунинг билан бирга "фаол ёшлар"ни "пассив ёшлар"га айланиб қолиш ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин. Бу қачонки жамият ҳаётида уларга нисбатан бепарво муносабатлар юзага келса, ривожланиш кўзлаган мақсадларини амалга оширишга қаратилган ҳаракатлари олдида пайдо бўладиган тўсиқларни енгиб ўтишда, давлат, жамият ташкилотлари ёки ҳамфикр тенгдошлари томонидан қўллаб-қувватланишлар бўлмаган ҳолатлардагина содир бўлади. Шу маънода, "фаол ёшлар"да ҳам ҳар доим эътибор ва қўллаб-қувватланишига эҳтиёжлари мавжуд бўлади.

Шундай қилиб, "уюлмаган ёшлар", "пассив ёшлар" ва "фаол ёшлар" тушунчалари мазмун-моҳияти ҳақида фикрларимиздан келиб чиққан ҳолда мавзуимиздаги кейинги муҳим масала - яъни, "уюлмаган ёшлар"ни ижтимоий-инновацион фаолиятга жалб қилишнинг омиллари ҳақида фикр юритишга ҳаракат қиламиз. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қўйилаётган масала жуда мураккаб бўлиб, у нафақат ёшларнинг ўзларига, шунинг билан бирга мамлакатда уларга қаратилган, аниқ ишлаб чиқилган режалар ва уларни изчиллик билан амалиётга татбиқ қилинишига, энг асосийси, уларни фаоллаштиришга хизмат қиладиган имкониятларнинг мавжудлигига боғлиқдир.

"Уюлмаган ёшлар" ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки фикримизча уларнинг пайдо бўлишига қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

1) оилаларда фарзандларда меҳнат кўникмаларининг етарли даражада шакллантирилмаганлиги, ота-оналар фарзандларини ёшлигидан меҳнатга ўргатиш ўрнига, улар ёш, ҳали катта бўлганларида ўзлари меҳнатга ўрганиб олаверди - деган қарашларнинг мавжудлиги. Бунинг салбий ҳолат эканлиги ҳақида халқимиз ўртасида аҳён-аҳёнда эслаб туриладиган ҳикоялар ва мисоллар кўп. Фарзандларимизни меҳнатга, ҳаётини мустақил ташкил қилишни уларнинг ёшлигидан ўргатишимиз керак. Афсуски, бундай тарбияни етарли даражада олиб бормаганимиз боис, айрим ёшлар меҳнат қилмасдан роҳатда яшашга ўрганиб улғаядилар. Бу гап меҳнат қилиш, таълим олиш, биронта касб-ҳунарни эгаллаш имкониятлари мавжуд бўлган шароитларида ҳам улардан фойдаланишни

хоҳламайдиган ёшлар ҳақида бормоқда. Афсуски, бундай ёшлар жамиятимизда бор;

2) таълим тизимида ёшларда аниқ мақсадларни шакллантириш ва уларни амалга оширишга ишонч туйғуларини ҳамда кўникмаларини шакллантиришга эътиборнинг сустлиги ҳам "уюлмаган ёшлар"нинг пайдо бўлишига ўзининг таъсирини ўтказди. Айниқса, бошланғич синфлардан то мактабни тугатгунгача бўлган даврда ўқувчиларда аниқ мақсадлар қўя билиш ва уни амалга оширишга ишонтира билиш, маълум бир касбга йўналтириш, меҳнат дарсларини замонавий фан, техника ва технология ютуқларини жорий қилиш орқали ташкил қилишнинг жадал ўзгараётган замон талабларидан орқада қолаётганлиги ҳам ёшларда ўзининг мустақил йўлини танлаш ва унга эришиш учун интилишнинг етарли даражада шаклланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Бундай ҳолатда айрим ёшлар ҳар доим ўзига ишонмаслик, биронта касб-ҳунарни танлаш, ёки олий ўқув юртида ўқишга нисбатан иккиланиш руҳияти билан яшашга мойил бўлиб қоладилар. Улар охир-оқибатда "уюлмаган ёшлар" сафини тўлғазиб борадилар;

3) юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтиши шароитида собиқ тузумда мавжуд бўлган кўшлаб ишлаб чиқариш корхоналарининг янги шароит талабларига жавоб бера олмаганлиги боис, улар бекилиб кетиши ҳолатлари содир бўлади, янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш учун маблағ ва вақт талаб этилади. Табиий равишда уларда ишлаётган ёшларнинг ўз иш ўринларидан махрум бўлиб қоладилар, боз устига уларни ишлаб чиқаришнинг янги йўналишларни эгаллашлари учун ҳам маблағ ва вақт талаб этилади. Бундай шароит ёшларда эртанги кунга ишончсизлик руҳиятининг шаклланишига, кечагина катта жамоаларда биргаликда фаолият олиб бораётган ёшлар, тарқалиб кетишига ва "уюлмаган ёшлар" сафларининг кенгайиб боришига олиб келади;

4) аҳолининг табиий ўсиши билан, мавжуд ёки янги ташкил этиладиган иш ўринлари ўртасидаги номуносиблик, "уюлмаган ёшлар"нинг пайдо бўлишининг асосий манбаларидан биридир. Бундай ҳолатнинг юзага келишига сабаб: а) мамлакатда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш учун маблағларнинг етарли эмаслиги; б) фан, техника ва технологияни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий қилиш орқали бозор талабларига жавоб берадиган маҳсулотни ишлаб чиқишга йўналтирилган янги корхоналарни ишга тушириш аҳолининг табиий ўсиши эҳтиёжларидан орқада қолиши, "уюлмаган ёшлар" сонининг ортиб боришига ўзининг таъсирини ўтказди. Агар "уюлмаган ёшлар"нинг асосан қишлоқ ёшлари ташкил қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ерда ҳам иш ўринларини яратиш, фан, техника, технологиядан самарали фойдаланиш замон таалбларидан орқада қолаётганлигини назарда тутмоғимиз керак бўлади;

5) давлат, нодавлат ва бошқа жамоат ташкилотларининг ёшларни ўзаро уюштириб, оммавий тарзда катта қурилишларга, фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштиришга, "уюлмаган ёшлар"га касб-ҳунарларни эгаллашларига етарли даражада ёрдамлашмаётганлиги ҳам уларнинг бугунги кунда сонларининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Адолат юзасидан таъкидлаш лозимки, бу борада мамлакатимизда сезиларли даражада ишлар амалга оширилмоқда. Аммо, улар айниқса қишлоқ жойларимизда етарли даражада - деб бўлмайди. Айниқса, бу қишлоқларимизда иш билан таъминламаган ёшларимизнинг хорижий мамлакатларга бориб, у ерда ҳар қил ишларни бажараётганларида намоён бўлмоқда.



Мамлакатимизда ёшларимизни иш билан таъминлашнинг барча имкониятлари мавжуд. Фақат бунда давлат, нодавлат ва бошқа жамоат ташкилотлари, айниқса маҳаллий раҳбарлар ташаббускор бўлишларига эҳтиёж ниҳоятда катта.

Энди жамият ва мамлакат тараққиётида ёшлар гуруҳининг қайси бири кўпроқ салбий таъсир ўтказади? - "уюшмаган ёшлар"ми, ёки "пассив ёшлар"ми? - деган саволга келсак, уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўзларининг салбий таъсирини ўтказади. Қайси бирининг ўзгараётган жараёнларга "мослашуви" осон кечади? - деган саволга эса маълум маънода "уюшмаган ёшлар" - деб жавоб бериш мумкин. Чунки, улар ўзларининг "хоҳишлари" билан ана шундай ҳолатга тушиб қолмаганлар, балки аксарият ёшлар имкониятларнинг йўқлиги оқибатида "уюшмаган" ҳолатга тушиб қолганларни ташкил қилади. Агар уларни уюштириш билан боғлиқ иқтисодий ва ижтимоий тадбирларни ишлаб чиқиб реал ҳаётга татбиқ қилинса, уларнинг ўзаро уюшишлари, жамият ҳаётининг барча соҳаларида, мамлакатда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида фаол иштирок қилишлари мумкин бўлади. "Пассив ёшлар"ни фаоллаштириш "уюшмаган ёшларга" нисбатан мураккаб кечади. Чунки, уларда мавжуд бўлган шароитда ана шу руҳият шаклланган, уни ўзгартириш учун эса, энг аввало онгни ўзгартириш керак бўлади. Онг ўзгармас экан, уларда юқорида келтирилган салбий ҳолатларни ҳам ўзгартириб бўлмайди. Онг ўзгартириш эса "уюшмаган ёшлар"га зарур бўлган шарт-шароит ва имкониятларни яратишдан ҳам мураккаброқ муаммодир. Онгни ўзгартириш на иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларни амалга ошириш билан, шунинг билан бирга руҳиятни, керак бўлса ёшларнинг бутун ички маънавий-ботиний салоҳиятини юксалтиришни ҳам тақозо этади. Бу эса жамиятнинг жуда катта интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши ва унинг ана шу жараёнда фаол иштирок қилишини, тарбия билан боғлиқ барча "механизмлар"нинг барқарор ва изчиллик билан "ишлашини" талаб этади.

Жамият ва мамлакат тараққиёти ва унинг истиқболи йўлида табиий равишда "уюшмаган ёшлар" ва "пассив ёшлар"ни бунёдкор кучлар даражасига кўтариш ва фаол ёшлар гуруҳлари сафларидан муносиб ўрин эгаллашига эришиш энг долзарб вазифалардан бирини ташкил қилади.

Бу борада барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Шу билан бирга ёшларни фаоллаштиришда улар билан доимий, тизимли ишларни барча давлат ва нодавлат идоралари ҳамкорликда иш олиб борсалардагина, истиқболда жамиятда ёшлар барча ижтимоий гуруҳларнинг фаол ва илғор қисмига айланади.

## Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиётимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. 535-б.
2. "YOSHLAR - KELAJAK BUNYODKORI" шиори остидаги уюшмаган ёшлар билан олиб борилаётган ишларда натижадорликка эришишнинг илмий-амалий масалаларига бағишланган республика конференцияси. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. - Б. 3.
3. "Авесто" тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. - Тошкент: Фокур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. 120-б.
4. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий егук ёшлар - эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи // Халқ сўзи", 2017, 1 июль.
5. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли лугати. - Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. - Б. 578 - 579.